Задарё	35,30	40,02
Ленин	34,97	11,37
Балиқчи	34,71	15,52
Наманган	30,90	8,08
Янгиқўрғон	30,44	10,45
Учқўрғон	30,16	15,28
Хўжаобод	28,81	11,09
Чуст	20,79	7,74
Қўргонтепа	10,63	4,78
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Пайариқ	37,28	24,21
Хатирчи	31,51	22,77
Иштихон	30,20	16,97
Каттақўрғон	29,60	14,94
Пастдаргом	29,57	15,17
Нарпай	27,65	20,29
Самарқанд	24,48	14,50
Булунгур	21,43	8,90
Ғаллаорол	18,66	—
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Хўжайли	33,83	9,96
Тўрткўл	26,12	16,65
Бируний	22,35	8,21
Амударё	19,87	3,43
Қўнғирот	19,31	12,02
Кегайли	17,19	4,62
Чимбой	17,02	5,54
Тўрткўл	16,43	0,61
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Жиззах	37,22	30,28
Боевут	20,63	28,32
Гулистон	18,25	26,78
Киров	16,93	21,08
Еттисой	16,30	20,50
Янгиер	15,39	13,69
Сирдарё	12,84	12,45
Ильич	11,09	10,29
Пахтаорол	7,57	9,85
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Шовот	21,80	4,90
Янгиариқ	16,41	1,98
Ҳазорасп	15,85	2,91
Хива	15,00	2,24
Гурлан	13,67	4,46
Урганч	13,45	3,50

БАҲОНАНИ МОЛ ЕМАЙДИ-КУ!

— Акангизнинг гапларига ишонаверинг, пахта йиғим-терими бошлангунча ҳашак тайёрлаш билан силос бостириш топшириғини ошириб бажарамиз.

Бу сўзларни «Москва» колхозининг раиси Тожибой Оқмонов августнинг бошларида айтган эди. Афсуски, раис акамиз лафзини ютдилар, сўзларининг бурди бўлмади. Мана, сентябрь ойи охирлаб қолди. 2.120 тонна ўрнига 500 тоннага етар-етмас силос бостирилди, дағал ҳашак тайёрлаш плани 60 процент бажарилди холос. Нега бундай бўлди?

— Нега дейсизми, ҳалиги, биз бошқа ишлар билан бўлиб кетиб, маккажўхорига тузук қарай олмапмиз. Эҳшида, парваришда кечикдик. Энди эса дўппи тор келиб қолди. Пахта терими бошланиб, ишчи кучимиз камлик қиляпти,— деди раис.

Биз далада ва фермада бўлдик. Маккажўхори шовуллаб турганини кўрдик. Колхозда ишчи кучи ҳам, транспорт ҳам етарли. Лекин, маккажўхори ва беда ўрим-йиғимига ишчи кучи кам ажратилган. Атиги битта автомашина, 3 та прицепли трактор маккажўхори кўкпояси ташишга биркитилган.

Колхозда 105 гектар маккажўхори, 83 гектар беда майдонида яхши ҳосил етиштирилган. Ўт-ўлан кўп. Аммо ўз вақтида ўрилмагани сабабли беда, маккажўхори ва ҳар хил табиий ўтларнинг танаси қотиб, шираси қоча бошлаган.

Раис пахта йиғим-терими билан жиддий банд бўлаётганлигини айтди. Бу — ҳақ гап. Аммо чорва билан ҳам шуғулланмоқ керакку. Ҳар бири ойига 120 сўмдан маош олаётган ферма мудирлари М. Ражабов, Ш. Бердимуродов, Ш. Худойберганов ўртоқлар цима қилишяпгикан? Уларнинг бири бош ферма мудири, бири қорамолчилик, яна бири эса қўйчилик фермасига мудир ҳисобланади. Наҳотки, бу мудирларда ем-ҳашак тайёрлашни ташкил этишда хафсала етишмаса!

Ўтган ойларда чорвачилик маҳсулотлари кам етиштирилганлиги, гўшт етиштиришдан 5.391 сўм, сут етиштиришдан 5.147 сўм зарар кўрилганлиги бу колхоз раҳбарлари чорвачиликка ҳамон эскича муносабатда бўлаётганлигини кўрсатиб турибди. «Ленинград» колхозида бўлганимизда, бош бухгалтер Р. Юсупов, чорвачилик зарарли тармоқ бўлиб қолаётганлиги, ўтган ойлар ичида гўшт ва сут етиштиришдан 18 минг сўмдан ортиқ зарар кўрганлигини айтди. Унинг фикрича ем-ҳашак етишмаса чорванинг маҳсулдорлиги ошмайди. Бироқ колхоз раиси Э. Юсупов, чорвачилик бўйича раис ўринбосари Т. Кўпаков ўртоқлар бу йил ҳам силос бостириш ва хашак жамғаришни барбод бераётирлар. 2.300 тонна ўрнига 1.500 тонна силос бостирилиб, бу иш тўхатилган.

— Маккажўхори тугаб қолди, энди ҳайронмиз, — деб елка қисишади раҳбарлар.

Ҳақиқий аҳволни кўздан кечирганимизда ҳали бригадаларда ўриб олинмаган маккажўхори пояси кўп эканлиги маълум бўлди.

Ғурлан районининг Карл Маркс номли, «Ўзбекистон», «Октябрь 14 йиллиги» колхозларида ҳам силос бостириш чўзиб юборилмоқда. Район бўйича белгиланган планнинг 63,8 процентн миқдорида силос бостирилган Хашак жамғариш суръати ҳам суст.

Район қишлоқ хўжалик бошқармаси раҳбарлари колхозларга план ва график тузиб беришдан нарига ўтмаётирлар. Бошқарма бошлиги Ш. Қурбонов ҳогозни ва ҳар хил баҳоналарни мол емаслигини яхши билади-ю, лекин нуқул қогозбозлик қилади.

Район партия ва совет ташкилотлари чорвачиликка раҳбарликни тубдан яхшилаб, шу ганимат кунларда ем-хашак тайёрлаш топширикларининг бажарилишини таъмин этишлари лозим.

Ф. ЗОҲИДОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири
М. АБДУРАҲИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлар постининг аъзоси.

РАҲМАТ, МЕҲРИБОНЛАР

(ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИДАН).

— Тошкентни янада гўзал қилиб қурамиз! Жасорат шаҳрини қуришда қатнашаётганимиз билан бахтлимиз! Тошкентнинг қайта қураётган барча дўстларга раҳмат! Жуда кўп хатлар ана шундай юраги сўзлари билан бошланади. Она шаҳримизда табиий офат юз берган биринчи кунлардаёқ Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти тарих-филология факультетининг студентлари шаҳардаги барча олий ўқув юртларининг студентларига мурожаат қилиб, ёзги каникулни Тошкент қурилишида ўтказишга чақирдилар. Ташаббуснинг қаноти бор дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди.

«Биз ҳам сизлар бошлаган қутлуғ ишга қўшилдик», — дейишди минглаб студентлар. Ҳатто ўрта мактабни тугатган ўғил-қизлар ҳам бу ишдан четда қолмадилар. Улар жонажон Тошкентни қайта тиклаш, уни Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантириш иштиёқи билан ишга киришдилар. Пойтахтдаги 82-ўрта мактабни тугатган 374 ўқувчининг ҳаммаси ўз хаёт йўлини меҳрибон шаҳарни тиклашдан бошлашга аҳд қилди. Бу ўқувчиларнинг ватанпарварлик ташаббуслари қақида Э. Қодиров, А. Исмоиловлар ёзиб юборишган. Тошкент политехника институти студенти Е. Шодмоновнинг редакцияга юборган хати ҳам диққатга сазовор: «Мен қурилиш факультетининг иккинчи курс студентиман, — деб ёзади у. Ёзда геодезия фани бўйича практика ўтказдик. Практика раҳбаримиз бўлажак қурувчи-инженерларга план олиш, карта тузиш ва уй биланлигини ўлчаш каби ишларни қўл билан ўргатди. Мана энди эса практиканы муваффақиятли тугатиб, янги ўқув йилини ҳам бошлаб юбордик. Дўстларим билан ўзаро маслаҳатлашиб, ўқишдан бўш ва дам олиш кунларимизда янги Тошкентни барпо этишда қатнашишга аҳд қилдик. Биз ҳам дўстлик шаҳри Тошкентда шинам, зилзилага бардошли уйлар қуришда иштирок этаётган қалъа олов қурувчилар янглиқ мехнат қиламиз. Бунда бизга практика даврида кўрганларимиз, ўрганганларимиз жуда қўл келади».

Тошкент Давлат университети студентлари С. Неъматов, Ж. Холмуродов, Ростовда харбий хизмат вазифасини ўтаётган Г. Шодиев, Қ. Мавлонов, фарғоналик А. Раҳимов, бухоролик Х. Тўйчиев ўртоқлар эса ўз хатларида мамлакатнинг ҳамма бурчагидан Тошкентга келиб, уни қайта қураётган дўстларга самимий миннатдорчилик билдиришган.

Врачларни халқимиз шифокорлар, халқ саломатлигининг посбонлари деб қурматлайди. Редакцияга келаётган кўпчилик хатларда ана шу шифокорларга тенгим билмас жонкуярларга чин қалбдан миннатдорчилик билдирилади. Азимжон ота даладан ўзини ёмон сезган ҳолда қайтди. Сал вақтдаёқ ёситма кўтарилди, боши айланди. Отасининг касаллигидан ташвишга тушган ўғил-қизлар дарҳол врач чақиришмоқчи эди, у кунмади. «Мен энди қариб қолдим, врачнинг кераги йўқ. Нима бўлса ҳам уйда бўлай» деди. Отасининг кенжа ўғли Мухторжон ҳеч кимга сездирмай «тез ёрдам» чақирди. Машина тезда етиб келди. Врач А. Ўринов беморнинг ҳон босими жуда камайиб кетганини, уни фақат касалхонада даволаш зарурлигини тушунтирди. Шифокорнинг яхши маслаҳатъ, мулойим сўзлари отанга ҳам йўлга солди. У Андижон районидаги Хирабек қишлоқ касалхонасида бир ой ётиб даволанди. Азимжон ота каби бошқа беморларни ҳам бу ерда яхши шароит, шифокорларнинг хушмуомаласи даволади. А. Ўринов касалхонада 11 йилдан бери бош врач. У халол хизмати, кишиларга меҳрибонлиги туфайли ҳамманинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган. Бу ерда унинг Л. Куприна, Т. Умрзоқова, Ҳ. Солиев каби қўллаб шогирдлари етишди. Бу ахил коллектив ҳақида М. Иномов илиқ сўзлар ёзиб юборган.

Ғурлан район бирлашган касалхонасининг врачи И. Гулмонов, Фарғона область Киров район касалхонасининг врачи М. Отахўжаев, Бухоро область касалхонасининг врачи Р. Баширов ўртоқларнинг олийжаноб хизматлари ҳақида М. Абдураҳимов Х. Ҳаҳбердиев, О. Қодиров, У. Шариповлар ёзиб юборишган.

Қишлоқ мухбирларидан келаётган хатларнинг бир қисмида меҳнаткашларга намунали маданий-маиший хизмат кўрсатилаётгани, ишчан агитаторларнинг дала шийпонларида пахтазор посчиларга билан қизиқарли суҳбатлар ўтказишаётгани қикоя қилинади. Жумладан, бухоролик газетхон О Комилов йўллаган хабарда бундай дейилади: бахаво жойга қурилган дала шийпони. Стол устига газета, журналларнинг янги сонлари тартиб билан терив қўйилган. Колхозчилар гушни овкатдан кейин агитаторнинг суҳбатини тингласш учун тўпландилар. Ўкитувчи Абдуллажон Насриев уларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси материаллари билан таништирди. Абдуллажон ака кўп йиллардан бери Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхозининг 1-бригадасида агитатор қилади. Унинг мазмунли суҳбатлари колхозчиларга доимо манзур.

Шунингдек, О. Нажимов (Қорақалпоғистон АССР), У. Содиков (Хоразм), С. Ширинқулов (Самарқанд), М. Турғунов (Сирдарё) ва бошқа ўртоқлар ҳам шаҳар ва қишлоқларимиз жамоли гобода қулф уриб очилаётгани, маданий-маиший хизмат яхшиланаётгани ҳақида қалам тебратганлар.

БУНКЕРДАН 250 ТОННА

Жўрақобил ака Шеробод даштида ташкил этилган «Янгибод» пахтачилик совхозида механизатор бўлиб ишлайди. Моҳир механизатор Жўрақобил Жумаев бу йил ўз агрегати бункеридан 250 тонна пахта тўкишга сўз берган. Ҳозир у ана шу сўзининг устидан чиқиш учун белни маҳкам боғлаб, ишга киришиб кетди. Кунига 6-7 тоннадан пахта териб, бошқаларга намуна кўрсатмоқда. Ниҳоят унинг бир ўн кунликда терган пахтаси 60 тоннадан ошди.

Қ. Ҳасанов ва С. Файзиев каби механик-ҳайдовчилар ундан ўрнак олишяпти. Натижада улар ҳам яхши кўрсаткичга эришиб, кунига 3-4 тоннадан пахта теришга эришаётирлар.

Қ. АВЛИЕҚУЛОВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

МУКОФОТ МУБОРАК, АЗИЗ ОНАЛАР

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган қуйидаги оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ва «Қаҳрамон она» ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиғи топширилсин:

Ўзбекистон ССРда яшовчи кўп болали оналарга «Қаҳрамон она» Фахрий унвони бериш тўғрисида *)

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

80. **Абдураимова** Ҳадича — рўзғор ишидаги аёл. Бойсун районидаги Пулхакина қишлоғи.

81. **Омонова** Хагира Абдуллаевна — Шўрчи районидаги Жданов номли колхоз аъзоси.

82. **Отамуродова** Ойрўзи — Термиз районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

83. **Очилова** Иқбол — рўзғор ишидаги аёл. Термиз районидаги Ангор қишлоғи.

84. **Бойматова** Эрзиё — Жарқўрғон районидаги «Меҳнат роҳат» колхозининг аъзоси.

85. **Бобоналонова** Дунбиби — Сариосиё районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

86. **Бўриева** Бекам — рўзғор ишидаги аёл. Шеробод районидаги Чуқурқўл қишлоғи.

87. **Жўрақулова** Зиёда — рўзғор ишидаги аёл. Бойсун районидаги Кўкгепа қишлоғи.

88. **Қурбонова** Рўзигул — рўзғор ишидаги аёл. Бойсун районидаги Дарбанд қишлоғи.

89. **Махматқаримова** Зуҳра—Бойсун районидаги «Сайроб» совхозининг ишчиси.

90. **Номозова** Турдихол — Бойсун районидаги «Сайроб» совхозининг ишчиси.

91. **Нормўминчова** Зиёда Нормўминовна — Шўрчи районидаги Гагарин номли совхозининг ишчиси.

92. **Неъматова** Бозгул — рўзғор ишидаги аёл. Термиз районидаги Мангузар қишлоғи.

93. **Норқулова** Гулинор — Бойсун районидаги «Сайроб» совхозининг ишчиси.

94. **Тошбоева** Зайнаб Мастоновна — Шўрчи районидаги Киров номли колхоз аъзоси.

95. **Тўрақулова** Баҳор — рўзғор ишидаги аёл. Бойсун районидаги Тузобозор қишлоғи.

96. **Турманова** Момогул — рўзғор ишидаги аёл. Шеробод районидаги Оққўрғон қишлоғи.

97. **Уроқова** Санам — Термиз районидаги Жданов номли колхоз аъзоси.

98. **Ҳасанова** Ражаб — рўзғор ишидаги аёл. Денов шаҳри.

99. **Хўжаматова** Тиловат — Шўрчи районидаги «Октябрь, 30 йиллиги» колхозининг аъзоси.

100. **Худойқулова** Менгиш — Сариосиё районидаги «Ўзбекистон» колхозининг аъзоси.

101. **Чориева** Ойсора — Шўрчи районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

102. **Чориева** Ўғил — Термиз районидаги Жданов номли колхоз аъзоси.

103. **Юнусова** Озода — рўзғор ишидаги аёл. Денов районидаги Ленинград қишлоғи.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ

104. **Гизатуллина** Александра Петровна — рўзғор ишидаги аёл. Янгиер шаҳри.

105. **Жабборова** Ниҳол — Ильич районидаги 6-совхоз ишчиси.

106. **Кенжаева** Роби — Жиззах районидаги Жданов номли колхоз аъзоси.

107. **Нишонова** Ғўти — рўзғор ишидаги аёл. Киров районидаги «Арнасой» совхози посёлкаси.

108. **Узокова** Баҳор — рўзғор ишидаги аёл. Фориш районидаги «Қизилқум» совхози посёлкаси.

109. **Ҳафизова** Холбиш — рўзғор ишидаги аёл. Фориш районидаги Киров номли совхоз посёлкаси.

110. **Ҳидирова** Унсун — рўзғор ишидаги аёл. Фориш районидаги «Фориш» совхози посёлкаси.

111. **Юнусова** Қуртон — Жиззах районидаги «Москва» колхозининг аъзоси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

112. **Аббосова** Ҳадича — рўзғор ишидаги аёл. Чирчиқ шаҳри.

113. **Абдуқодирова** Раҳима — рўзғор ишидаги аёл. Тошкент шаҳри.

114. **Абдуқодирова** Назира — рўзғор ишидаги аёл. Чирчиқ шаҳри.

115. **Абдулҳаимова** Рўзижон — рўзғор ишидаги аёл. Бекобод шаҳри.

116. **Абишева** Қаниш — рўзғор ишидаги аёл. Калинин районидаги Хонобод қишлоғи.

117. **Аъзлова** Вазира — рўзғор ишидаги аёл. Калинин районидаги Бешқайрогоч қишлоғи.

118. **Айтбоева** Ҳумарак — рўзғор ишидаги аёл. Янгийўл шаҳри.

119. **Аканова** Розия — рўзғор ишидаги аёл. Ўрта Чирчиқ районидаги Бектемир посёлкаси.

120. **Алиева** Гурсуной — рўзғор ишидаги аёл. Бўка районидаги Қоракўйли қишлоғи.

121. **Орифхонова** Маъсуда — рўзғор ишидаги аёл. Янгийўл районидаги Зангиота қишлоғи.

122. **Ортиқова** Рухсат — рўзғор ишидаги аёл. Бўка районидаги Қоракўйли қишлоғи.

123. **Асомова** Ҳиколт — рўзғор ишидаги аёл. Оржоникидзе районидаги Ялангоч қишлоғи.

124. **Аҳмедова** Майрам — рўзғор ишидаги аёл. Ўрта Чирчиқ районидаги Қорахитой қишлоғи.

125. **Охунова** Ҳадича — рўзғор ишидаги аёл. Калинин районидаги Оқтепа қишлоғи.

126. **Баратова** Мукаррам — Оржоникидзе районидаги «Қозоғистон 30 йиллиги» колхозининг аъзоси.

127. **Боситова** Ҳосима — рўзғор ишидаги аёл. Оққўрғон районидаги Алимкент қишлоғи.

128. **Бауетдинова** Савия — ишчи. Тошкент шаҳри.

129. **Бегматова** Расолат — Оржоникидзе районидаги 13-«Бўстонлиқ» совхозининг ишчиси.

130. **Бўлатова** Канифа — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг ишчиси.

131. **Ғоипова** Ачахон — рўзғор ишидаги аёл. Ўрта Чирчиқ районидаги Қорасув қишлоғи.

132. **Ғаниева** Хатира — рўзғор ишидаги аёл. Калинин районидаги Оқтепа қишлоғи.

133. **Жалолова** Тати — Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

134. **Жамилова** Зайнаб — рўзғор ишидаги аёл. Янгийўл районидаги Олмазор посёлкаси.

135. **Жариҳибоева** Майрам — рўзғор ишидаги аёл. Юқори Чирчиқ районидаги Арпачи қишлоғи.

136. **Зулфиқорова** Хибиза — Оржоникидзе районидаги бөгдорчилик-узумчилик совхозининг ишчиси.

137. **Ибодуллаева** Ойниса — рўзғор ишидаги аёл. Калинин районидаги Кўктепа қишлоғи.

138. **Имомсандова** Мушар — рўзғор ишидаги аёл. Юқори Чирчиқ районидаги Янгибозор қишлоғи.

139. **Имяминова** Турсун — рўзғор ишидаги аёл. Бекобод шаҳри.

140. **Исломова** Саломат — рўзғор ишидаги аёл. Тошкент шаҳри.

141. **Исманова** Ўрозгул — рўзғор ишидаги аёл. Бўка районидаги Раҳадон қишлоғи.

142. **Исроилова** Роза — рўзғор ишидаги аёл. Калинин районидаги Нўғойқўрғон қишлоғи.

143. **Каламлар** Надежда Николаевна — рўзғор ишидаги аёл. Ғазалхадон қишлоғи.

144. **Комилова** Робия — рўзғор ишидаги аёл. Янгийўл районидаги Эски Тошкент қишлоғи.

145. **Қорабоева** Ҳадича — рўзғор-ишидаги аёл. Оржоникидзе районидаги Гулистон қишлоғи.

146. **Қоратоева** Турсун — рўзғор ишидаги аёл. Оржоникидзе районидаги Дўрмон қишлоғи.

147. **Қосимова** Маъсуда — рўзғор ишидаги аёл. Тошкент шаҳри.

148. **Кенжақулова** Салтанат — рўзғор ишидаги аёл. Ўрта Чирчиқ районидаги Ўртасарой қишлоғи.

149. **Ким** Ольга — рўзғор ишидаги аёл. Оққўрғон районидаги Солдатское қишлоғи.

150. **Кулумбетова** Асилой — рўзғор ишидаги аёл. Ўрта Чирчиқ районидаги Қорасув қишлоғи.

151. **Қуртмуродова** Ободон — рўзғор ишидаги аёл. Оққўрғон районидаги 1-«Оққўрғон» совхози поселкаси.

152. **Мавлудова** Камила — рўзғор ишидаги аёл. Бўка районидаги Бўка қишлоғи.

153. **Мирзаева** Мамлакат — рўзғор ишидаги аёл. Янгийўл шаҳри.

154. **Мирзаева** Тўти — Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

155. **Мусаева** Норбот — рўзғор ишидаги аёл. Янгийўл районидаги Ачиқўл қишлоғи.

156. **Норматова** Анор — рўзғор ишидаги аёл. Калинин районидаги Айриқулоқ қишлоғи.

157. **Нурғалиева** Аклима Габбасовна — ишчи. Олмалиқ шаҳри.

158. **Пангаева** Сорагул — рўзғор ишидаги аёл. Калинин районидаги Қўнсарой қишлоғи.

159. **Ражабова** Луғфи — рўзғор ишидаги аёл. Калинин районидаги Эшонғузар қишлоғи.

160. **Раҳматуллаева** Қундуз — рўзғор ишидаги аёл. Калинин районидаги Эшонғузар қишлоғи.

161. **Соатова** Мукамбар — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси

162. **Сазанбоева** Турсуной — рўзғор ишидаги аёл. Бўка районидаги «Бўка» совхози посёлкаси.

163. **Сайлибоева** Жаулдор — Оржоникидзе районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси.

164. **Тошбоева** Хайтбув — рўзғор ишидаги аёл. Юқори Чирчиқ районидаги Паркент қишлоғи.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

165. **Облокулова** Равшаной — рўзғор ишидаги аёл. Қўқон шаҳри.

166. **Бекназарова** Кимёхон — рўзғор ишидаги аёл. Қўқон шаҳри.

167. **Турсунова** Малика — рўзғор ишидаги аёл. Бўка районидаги Қаровчи қишлоғи.

168. **Умарова** Маҳбуба — рўзғор ишидаги аёл. Калинин районидаги Бешқайрогоч қишлоғи.

169. **Умарова** Собира — рўзғор ишидаги аёл. Калинин районидаги Оқтепа қишлоғи.

170. **Урозова** Самар — рўзғор ишидаги аёл. Оржоникидзе районидаги Дўрмон қишлоғи.

171. **Ҳанимова** Зайнаб — рўзғор ишидаги аёл. Олмалиқ шаҳри.

172. **Ҳанимова** Карима — рўзғор ишидаги аёл. Юқори Чирчиқ районидаги Сўқоқ қишлоғи.

173. **Холикова** Тожихон — рўзғор ишидаги аёл. Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхози посёлкаси.

174. **Халилова** Дурдона — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.

175. **Холтоева** Ғисласин — рўзғор ишидаги аёл. Юқори Чирчиқ районидаги Аргамчи қишлоғи.

176. **Чахалова** Исроф — рўзғор ишидаги аёл. Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози посёлкаси.

177. **Шонсоқова** Рафиқа — рўзғор ишидаги аёл. Оржоникидзе районидаги Чинобод қишлоғи.

178 **Шокирова** Раҳима — рўзғор ишидаги аёл. Калинин районидаги Оқтепа қишлоғи.

179. **Шамолова** Назбиё — рўзғор ишидаги аёл. Бекобод районидаги 1-«Дальварзин» совхози посёлкаси.

180. **Шонасимова** Турсунгул—рўзғор ишидаги аёл. Чирчиқ шаҳри.

181 **Шукуралиева** Турсун — рўзғор ишидаги аёл. Бекобод районидаги Ҳос қишлоғи.

182. **Шарустамова** Маъфура — рўзғор ишидаги аёл. Калинин районидаги Кўктепа қишлоғи.

183. **Эркўзиева** Ҳафиза — рўзғор ишидаги аёл. Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхози посёлкаси.

184. **Йўлдошева** Тожи — рўзғор ишидаги аёл. Юқори Чирчиқ районида Паркент қишлоғи.

*) Боши газетанинг 24 ва 25 сентябрь сонларида босилган).

Хатларингизга ЖАВОБ ёхуд ЭЪЛОН

ЮЛҒИЧ ЖАЗОЛАНДИ

Шаҳарлараро қатнайдиган автобусларнинг нўпчилик шоферлари ҳаддидан ошиб кетяпти, юлғичлик йўли билан шахсий бойлик орттирмоқда, механизаторларнинг ҳақли эътирозидан ғазабланиб хулоса чиқариб олмоқда. Масалан, Самарқанддаги 15-автомобиль паркининг шофёри В. Заммер йўловчилардан масофага қараб эмас, хоҳлаганча пул олади, улар билан чўпчак муомилада бўлади. У автобусни белгиланган жойга етиб графидан олдин, вақт кейин ғўлтайди. Натижада йўловчилар маршрутлар бўйича қатнаётган машиналардан қолиб кетиб, сарсон-саргардон бўлаётир. Бу ҳақдаги шикоятимизга ҳеч ним қулоқ солмаяпти.

Механизаторлардан олинган ана шу хат Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тоғ йўллар министрлигига юборилди. Олинган жавобда қуйидагилар айтилади:

Текширишда механизаторларнинг хатидаги фактлар тасдиқланди. Юқорида тилга олинган камчиликларга йўл қўйгани учун В. Заммер шаҳарлараро қатнайдиган автобусларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Йўлкира олиб, йўловчиларга билет бермагани учун унга қаттиқ виговор эълон қилинди. Шоферлар орасида оммавий-тарбиявий ишларни кучайтиришга қаратилган тадбирлар белгиланди.

ТОҒЛАРГА ЭКСПЕДИЦИЯ

ТЕРМИЗ (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). СССР фанлар академиясининг Ботаника институти илмий ходимларидан профессор И. П. Васильченко, биология фанлари кандидати П. И. Васильева ўртоқлар бошлиқ бир группа олимлар Сурхондарё тоғларидаги ёввойи меваворлар сирини билиш учун Тўполон ва Сангардак дарёлари бўйлаб, Ҳисор тоғ тизмаларига жўнаб кетдилар.

А. ХАЛИЛОВ.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

НУКУС ПОЛИГРАФ КОМБИНАТИ

НУКУС, (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 49 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдираётган 166-қурилиш трестига қарашли биринчи қурилиш бошқармаси инженер-техниклари, қурувчилари замонавий типда қурилган полиграф комбинат биносини битказиб, фойдаланишга топширдилар.

«КУМУШКОН» ЧОРЛАЙДИ

Сўлим тоғ бағрига жойлашган, нўм-нўм дарахтларга бурканган соғлом «Кумушкон» дам олиш уйида ёз бўйи 2 минг пионер мириқиб ҳордиқ чиқарди. Мактабларда ўқиш бошлангач, навбат ногаталарга келди. Ҳозир бу ерда 550 киши кўнгилли дам олмоқда. Дам олиш уйида меҳнат кашларнинг яхши дам олишлари учун барча қулайликлар мавжуд.

— Дам олиш уйимиз ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, — деди директор А. И. Итин, — бу ер дам олувчиларнинг севимли оромгоҳига айланиши учун барча имкониятларни ишга солмоқдамиз. Келгуси йили ўринлар сонини 670 тага етказиш ниятимиз бор. Шунингдек, 2 минг ўринли коттеджлар қуришни мўлжаллаетирмиз. Паркентдан дам олиш уйигача бўлган масофага асфальт ётқизилади. «Кумушкон» янада нўрнам, сўлим ва гўзал оромгоҳга айланади.

Ю. ЗИЁДОВ.

КОЛХОЗДА АВТОМАТ ТЕЛЕФОН

Шўрчи районидаги «Коммуна» колхозида 50 номерли автомат телефон қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг ташаббуси билан хўжаликнинг «Ёш ғайрат» участкаси водопроводлаштирилмоқда.

Б. БОБОҚУЛОВ,
Сурхондарё области.

Халқаро ҲАЁТ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ХОДИМЛАРИ ПОЛЬШАДА

ВАРШАВА. (ТАСС). СССР Журналистлар союзи правлениесининг секретари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети матбуот давлат комитетининг раиси З. Есанбоев бошчилигида расмий визит билан Халқ Польшасида меҳмон бўлиб турган Совет Ўзбекистони матбуот ходимлари делегацияси тўрт кун давомида мамлакат бўйлаб сафар қилди. Совет делегацияси Лодзь, Катовице, Освенцим ва Краков шаҳарларида бўлди.

Совет делегацияси Лодзда Польша Бирлашган ишчи партиясининг шаҳар комитетида партия ходимлари билан учрашди, Польшада энг йирик бўлган ва Ўзбекистон пахтаси билан ишлаётган Юлиан Мархлевский номли тўқимачилик комбинатини кўздан кечирди.

Польша меҳнаткашлари Тошкент меҳнаткашларининг ҳаётига зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. Шу муносабат билан Польша журналистлари союзининг Лодзь бўлими матбуот конференцияси ўтказди. Бу матбуот конференциясида делегация бошлиғи ўртоқ Есанбоев нутқ сўзлади ҳамда мухбирларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтарди.

Ўзбекистон матбуотининг ходимлари Воеводлик газета ва журналларининг редакцияларида бўлдилар.

Делегация бугун Варшавага қайтиб келиб, Польша Халқ Республикаси маданият ва санъат министрлиги нашриётлари департаментининг директори Е. Заторский билан учрашди.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ СЕССИЯСИДА

НЬЮ-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XXI сессиясининг бош комитети совет делегацияси таклиф этган ва СССР ташқи ишлар министри А. А. Громыко ялпи мажлисда сўзлаган нутқида баён этиб берган моддаларни сессия кун тартибига киритишни тавсия этишга қарор қилди. Социалистик мамлакатлар ва бошқа бир қанча давлатларнинг норозилик билдиришига қарамай, «Корея масаласи» деб аталган масала яна кун тартибига тавсия қилинди. Бу масаланы кун тартибига киритишга қарши 17 делегация, ёқлаб 37 делегация овоз берди. 34 делегация бетараф қолди.

Бош Ассамблеяниинг ялпи мажлисида СССР вакили «Корея масаласи»ни муҳокама қилиш Кореянинг ички ишларига қўпол равишда аралашишдан бошқа нарса эмаслиги сабабли бу масаланы БМТ Бош Ассамблеяси XXI сессиясининг кун тартибига киритишга қатъиян қарши чиқди. Ленин АҚШ, Австралия, Греция делегациялари «Корея масаласи» Бош Ассамблеяда муҳокама қилинсин, деб қаттиқ туриб олдилар. 57 делегация шу «масала»нинг қараб чиқилишини ёқлаб, 17 делегация унга қарши овоз берди, 34 делегация бетараф бўлиб қолди.

БМТ Бош Ассамблеяси XXI сессияси ялпи мажлисининг қатнашчилари бош комитетининг сессия кун тартибига дастлабки кун тартибида баён этилган 95 моддани, шунингдек совет делегацияси танлиф этган ва бош комитет мажлисида тасдиқланган уч моддани киритишни тавсия этувчи докладини умуман маъқуллади. Бош Ассамблея ана шу уч модда биринчи (снёсий) комитетда қараб чиқилсин, деб бош комитет берган тавсияни маъқуллади.

ПОКИСТОН МИЛЛИЙ ХАЛҚ ПАРТИЯСИ БОШ СЕКРЕТАРИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

КАРАЧИ. (ТАСС). Покистон миллий халқ партиясининг Совет Иттифоқига қилган сафардан қайтиб келган бош секретари Маҳмуд Улҳақ Усмоний 23 сентябрда бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида қуйидагиларни айтди: «Совет Иттифоқи Африка, Осиё ва Латин Америкасидаги янги мустақил мамлакатларнинг иқтисодий суверенитетини мустаҳкамлаш мақсадида уларга иқтисодий ва техникавий ёрдам бериш сиёсатига ҳамиша амал қилиб келмоқда.

Миллий халқ партиясининг бош секретари айтдики, ривожланаётган мамлакатларда пўлат қуйиш заводлари ва оғир индустрия комплекслари қуриш сингари ёрдам миллий экономиканы мустаҳкамлашгина қолмай, шу билан бирга империалистлар-нинг ана шу мамлакатларни талашига барҳам беришга кўмаклашади. У, Покистон билан Совет Иттифоқи ўртасида бир-бирларига делегациялар юбориб туришни кенгайтиришни ёқлаб гапирди. Сўнгра миллий халқ партиясининг бош секретари: мен СССРда кўпгина Вьетнам раҳбарларини учратдим, улар Америка агрессорларига қарши Вьетнам халқи олиб бораётган курашда Совет Иттифоқи унга актив ёрдам бераётганлигидан мамнуният ва зўр миннатдорлик билдиришмоқда, деб айтди.

Американинг Вьетнамдаги агрессиясига чек қўйиш учун социалистик мамлакатларнинг, шунингдек барча тинчликсевар халқларнинг бирлиги, деб таъкидлади Усмоний, ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлиб қолди.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

126 ПОЙТАХТ

Дунёдаги турли мамлакатларнинг пойтахтларига бағишланган монографиялар оз эмас. Бироқ улар 1966 йил Москвадаги снёсий нашр қилинган «Дунё мамлакатларининг пойтахтлари» деган справочниккинни қимматига ҳеч халал етказмайди. Унда справочникнинг нашр этишга тайёргарлик кўрила бошлагунга қадар мавжуд бўлган 126 та мустақил давлатнинг пойтахтлари тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Справочникда эълон қилинган маълумотлар пойтахт шаҳарлари тўғрисида, уларнинг ташқи ва социал қиёфаси тўғрисида тўла тасаввур беради. Унда пойтахтлардаги аҳоли сони, унинг ўсиши ва миллий состави ҳақида маълумотлар бор. Китобда шаҳар тарихи, унинг ривожланиши, планлаштириш, архитектура ёдгорликлари, диққатга сазовор жойлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

Справочникда келтирилган бир неча қизиқарли фактлар ва рақамларга мурожаат қиламиз. Масалан, жаҳондаги энг қадимий пойтахт Дамашқ шаҳри (Сурия Араб Республикаси)дир. Унинг тўғрисидаги дастлабки тарихий маълумотлар бизнинг эрамизгача XVI асрга мансубдир.

Жаҳондаги энг ёш пойтахт бундан 6 йил муқаддам ташкил топган Бразилиа шаҳридир. Дунёда энг баландлинда жойлашган пойтахт Ла-Пас (Боливиянинг пойтахти) шаҳридир. Шаҳар денгиз сатҳидан 3.400 метр баландликда жойлашган.

Ливия киролигининг иккита пойтахти бор. Бенгази ва Триполи ҳар икки йилда пойтахтлик вазифасини алмаштириб туради.

Дунёдаги энг катта пойтахт университети Париждадир. Унда 1959 йили 69 минг студент таълим олди. Рим университетида 35 минг, Мадрид университетида 30 минг студент таълим олган. Москва Давлат университетида эса 1964 — 1965 ўқув йилида 29,7 минг студент таълим олди. 1962 — 1963 ўқув йилида Қоҳира университетида 27 минг студент ўқиган.

Дунёдаги энг йирик кутубхоналардан бири Вашингтонда жойлашган. У Америка конгрессининг кутубхонаси бўлиб, 36 миллиондан нўпроқ китоб, журнал ва ҳужжатларга эга. Москвадаги В. И. Ленин номли СССР Давлат кутубхонасида 23,3 миллион китоб, журнал ва бошқа нашрлар бор.

Музейлар сони жиҳатидан Париж биринчи ўринда туради. Унда 61 музей бор. Москвада 53 музей ва доимий выставка бор. Театрлар сони жиҳатидан ҳам Париж биринчи ўринда. У ерда 60 театр ва концерт зали бор. Бироқ, доимий равишда ишлайдиган ва доимий труппаларга эга бўлган театрлар сони жиҳатидан Москва дунёда биринчи ўринда туради. Ватанимиз пойтахтида 25 та доимий театр бор.

Яна бир қизиқарли факт. Лихтенштейн князлигининг пойтахти Вадус шаҳрида «Неолица» деган фабрика бор. Унда 60 ишчи ҳар йили нўллаб мамлакатларнинг аҳолиси учун 60 миллион фарфор тишлар ясашади.

(«НОВОЕ ВРЕМЯ»дан).

ИҒВОГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ХАНОЙ, 24 сентябрь. (ТАСС). Вьетнам Информация агентлиги хабар беради: Вьетнам Халқ армияси олий қўмондонлигининг алоқа миссияси Вьетнамда қуролланишни ва контроль қилувчи халқаро комиссияга баёнот билан мурожаат қилди. Алоқа миссияси бу баёнотида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: Америка агрессорлари демилитарлаштирилган зона статусини ва Вьетнам масаласи юзасидан 1954 йилда Женевада тузилган битимларни доим бузиб келмоқдалар.

Америкаиинг империалистлари, дейилади баёнотда, 1966 йил июль ойидан буён Жанубий Вьетнамда ҳам, Шимолий Вьетнамда ҳам уруш доирасини кенгайтириб, демилитарлаштирилган зона районига ўз ҳужумчиларини анча кучайтирдилар. Масалан, улар 15 июлда сохил бўйидаги Куонгзиам қишлоғи атрофига денгиз пиёда аскарлари батальонини ошкора равишда туширдилар. Бу батальон Камлоннинг шимолий участкасига қилинадиган ҳужумда қатнашуви керак эди. АҚШ 30 июлдан буён демилитарлаштирилган зонанинг жанубий ва шимолий қисмларини бомбардимон қилмоқ учун 9 марта «В-52» типидаги самолётларни юборди.

Алоқа миссияси АҚШ ва Жанубий Вьетнам қўғирчоқларининг қонунга зид бўлган ана шу ҳарбнгкорона ҳаракатларини халқаро комиссиянинг нормал ишлашига тўсиқлик қилади ва иғвогарлик ҳаракатларга учун бугун жавобгарлик АҚШ ҳарбий қўмондонлиги зиммасига юкланади, деб ҳисоблайди. Алоқа миссияси иғвогарлик тўхтатилсин ва Женева битимлари пухта бажарилсин, деб талаб қилади.

АПН ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

Кишилар сотиляпти

«Биз чет мамлакатларга фақат турли хил маҳсулотларнигина сотиш тўғрисида гапирмаслигимиз керак. Биз учун кишиларни экспорт қилиш ҳам жуда муҳимдир. Бу молиявий аҳволимизни анча ўнглаб олишга имкон беради». Бу — Жанубий Корея ҳукмдори Пак Ден Хининг сўзларидир. Унинг тўдаси кейинги пайтларда иқтисодий кризисдан чиқиб олиш учун турли найрангларни ишга солмоқда. Хўш, одамларни қандай қилиб экспорт қилиш тўғрисида гапиряпти?

Энг аввало гап ёш кореецларни АҚШнинг Жанубий Вьетнамдаги шармандали урушига юбориш учун америкаликларга сотиш тўғрисида боряпти. «Нойе цайт» (ГДР) газетасининг ғувоҳлик беришича, Пак Ден Хи ҳар бир ана шундай ландскнехт учун шахсан 1 минг доллар олмоқда. Бироқ, ҳукмдорга бу озлик қилиб қоляпти. Жанубий Кореядаги «Тонья бансон» радиосининг Сеулдан хабар беришича, қўғирчоқ режим яқин беш йил ичида турли мамлакатларга 4.880 киши сотишни мўлжалламоқда.

Бундан ташқари Жанубий Кореянинг сотқин бошлиқлари «ишчи кучини экспорт қилиш» никоби остида Европа, Жануби-Шарқий Осиё ва Америкадаги мамлакатларга 73.800 кишини сотишга ҳаракат қилаётир. Буларнинг ҳаммаси Пак Ден Хи томонидан ўтган йили тасдиқланган махсус ташкилот томонидан ишлаб чиқилган «беш йиллик планда» мўлжалланган.

Немислар Вьетнамда

Ғарбий Германия матбуоти сақофаларидан «ГФРлик немислар Вьетнамда» деган сарлавҳалар тушмайди. Ғарбий Германия гражданларининг АҚШнинг Вьетнам халқига қарши шармандали урушида қатнашаётганликлари тўғрисида хабарлар пайдо бўлган дастлабки кунларда ва ҳатто улардан айримлари қалоқ бўлгани тўғрисида биринчи маълумотлардан сўнг ҳам Германия Федератив Республикаси бу хабарларни қатъий рад этолмади. У фақат ғап Америка иғвосида иштирок этаётган «жуда оз сонли немислар» тўғрисида кетяпти деб тасдиқлади, холос.

Жуда ҳам «ишонарли» далиллар!

Ирқчи судья либосида

Сан-Францискода бундан икки йил муқаддам негрларни ирқий камситишга қарши намойишлар қўчайиб кетган бир пайтда маъмурлар чекинишга мажбур бўлган эдилар. Шаҳар мэри эса «инсон ҳуқуқлари бўйича махсус комиссия» тузган эди ҳам. Шу билан иш тамом бўлди деб ўйларсиз.

Бироқ, Америкада чиқадиган «Нэйшн» журналининг тасдиқлашича, Калифорния штатида бундай ишлар унутилмаяпти. Яқинда намойишларнинг юздан ортик иштирокчиси жамоат тартибини бузганликда айбланиб, судга берилган. Суд ишига қонунийлик тусини киритиш учун махсус судья, ўз ишининг «устаси» Дэвид Франчни чақиришибди. У кўп ўйлаб ўтирмасдан ҳаммасини жами 4.940 кун турмага қамаб қўйиш ва 13.289 доллар жарима солиш тўғрисида ҳукм чиқарган. Бизнинкиларни таниб қўй эмиш!

Америкаликлар Сан-Франциско шаҳрини жуда яхши кўришади. Ҳатто бу ерда бўлган киши «унинг тепаликлари ва кўрфазлари орасида ўз калбини қолдириб кетади...» деган ашулалар ҳам тўқилган.

Бироқ, ҳозир тепаликлар ва кўрфазлар устида сассиқ ҳид анқимоқда. ирқчилар ашуласи эшитилмоқда.

ЯМАН РЕСПУБЛИКАСИ — ТЎРТ ЁШДА

Сано гарнизонининг қўзғолон кўтарган қисмлари заҳбаларидан Ямандаги истибдод юрозлик режими барҳам топган сентябрь тунидан бери тўрт йил ўтди.

26 сентябрдан 27 сентябрга ўтар кечаси ёш офицерлар бошқараётган танклар пойтахтни ўраб турган шаҳар деворлари ташқарисидаги ўз базасидан чиқиб, король саройи томон йўл олди. Гўп-замбаракларнинг гулдираши қадимий Яман давлати тарихида янги саҳифа очилганлигидан дарак берди. 1962 йил 26 сентябрда Яман Республикаси. Арабистон ярим оролидаги биринчи республика бунёдга келди. Кўпгина араб мамлакатларининг пойтахтларида Ямандаги революция бўлганлиги ҳақидаги хабар бутун Арабистонда бўлгуси демократик ўзгаришлардан бир дарак деб кутиб олинди.

Ямандаги давлат ўзгаришларини яман халқининг дўстлари ва араб жамиятининг илғор доиралари қизғин табрикларан бўлсалар, реакцион чўчлар билан империалистлар бу ўзгаришларга душманлик билан қарадилар. Арабистон ярим оролидаги битмас-туганмас нефть бойликларини ўз исканжасига киритиб олган Америка ва Англиянинг нефть компаниялари араблар-нинг миллий озодлик ҳаракати кенгайишидан ва муваффақият қозонишидан кўрқар эди. Бу компаниялар Арабистонда давлат ҳокимиятининг энг қолоқ, лекин бу компаниялар манфаатларига жуда мос бўлиб тушган мавжуд формаларини ўзгартирмай сақлаб қолишга интилди.

Шу сабабли Яман Араб Республикаси дунёга келган дастлабки кунлардан бошлабоқ, у жуда чўп душманларнинг фитналари ва таламисликларига дучор бўла бошлади. Унинг жанубий чегараларида инглиз империалистлари жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилиб, бу мақсадда ўз гумашталари — Ғарбий ва Шарқий Адан протекторатлари составига кирувчи амирликларнинг ҳокимларидан фойдаландилар. Бу икки протекторат Қизил денгиз билан Ҳинд океанининг туташмасувчи Бабалмандеб бўғози сохилларидан Маскат султонлигигача бўлган территорияда жойлашган. Жанубий Арабистонда Португалия, Англия босқинчилари ва Туркия султонлари пайдо бўлишидан аввал бу территориялар Яман давлати составига кирар эди. Шу сабабли ҳозир Ямаи ватанпарварлари ана шу ерларнинг ҳаммасини, жумладан Адан портини ҳам яғона Яман давлати қилиб бирлаштириш йўлида, Ямаининг оккупация қилинган жанубий қисмини озод қилиш шиори остида инглиз империалистларига қарши кураш олиб бормоқдалар.

Ўзларининг феодаллик ҳуқуқлари ва имтиёзларини сақлаб қолган қабила бошлиқлари ўз ҳолларда якин юзламачилик қилиб, гоҳ республикани қўллаб-қувватлардар, гоҳ ўзларининг ҳудбинлик мақсадларини кўзлаб, монархистлар билан бирлашдилар. Шимолий ва жанубий чегаралар орқали Албадр тарафдорлари мунтазам суратда қурол-яроғ ва ўқ-дорилар билангина эмас, шу билан бирга ёлланган аскарлар билан ҳам таъминлаб турилди.

Контрреволюционерлар, реакцион Араб ҳукуматлари ва империалистларининг бирлашган ҳужумига бир ўзи қарши туришга ёш Яман республикасининг кучи етмас эди. Республика ҳукумати қардош Араб мамлакатлари, дўст халқларга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Бирлашган Араб Республикаси бу даъватга ижобий жавоб берди. Миср солдатларининг бўлинмалари яман халқининг реакцияга қарши олиб бораётган курашига қатнашмоқда. Айни маҳалда Бирлашган Араб Республикаси ўзининг техника ва маъмурий кадрларини тайёрлашда Яманга кўмаклашмоқда.

Яман тараққиёни музокаралар йўли билан тинч бартараф этиш учун қилинган уринишлар ҳозирча ижобий натижа бергани йўқ. 1965 йил августда Бирлашган Араб Республикасининг президенти Жамол Абдул Носир билан Саудия Арабистонининг короли Файсал учрашувида тузилган битим амалга оширилмади, ана шу битимни ривожлантириш мақсадида Харадда чақирилган конференция муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Бу конференцияда республикачилар билан монархиячилар мамлакатнинг келгусидаги тақдири қандай бўлади, деган масала устида бир фикрга кела олмадилар. Сўнгги вақтларда Кувайт ҳукуматининг воситачилигида Яман масаласини ҳал этиш йўлларини қидириш мақсадида Миср билан Саудия Арабистони ўртасидаги музокаралар яна бошлаб юборилди.

Қарийб тўрт йилдан буён давом этаётган граждалар уруши Яман экономикаси ва молиявий аҳволига оғир таъсир қилди. Республика ҳукумати ўзининг кундалик ишида катта қийинчиликларни бартараф этишга мажбур бўлмоқда. Ҳукумат маориф, қурилиш, ободончилик, мамлакат экономикасини ривожлантириш соҳаларида муайян муваффақиятларга эришди. Бироқ республикачилар лагерининг ўзида турли гуруҳлар ва оқимлар бирлиги белгиланган тадбирларни амалга оширишга ва республикачилар кучлари бирлигини мустаҳкамлашга халақит бермоқда. 18 сентябрда, Хасан Аламри ҳукумати ва бошқа бир қанча раҳбар арбоблар истеъфога чиққанларидан кейин мамлакат президенти маршал Абдулло Ассалол янги ҳукумат тузиб, унга ўзи бошчилик қила бошлади ва мамлакатга мурожаат қилиб, республикани ҳамда революция ютукларини ҳимоя қилмоқ учун ўз сафларини жипслаштиришга чақирди. Батаъ мустақиллиги учун олиб борилган узоқ ва оғир жангларнинг бутун оғирлигига бардош берган яман халқи ўзининг қонуний ҳуқуқларини қатгиқ туриб ҳимоя қилишга, реакциянинг яна ҳуқуқсизлик ва қуллик сиртмоғини солишига йўл қўймасликка қаттиқ бел боғлаган. Кейинги йилда Сано, Таиз шаҳарларида ва Ямаининг бошқа шаҳарларида бўлиб ўтган жуда кўп конференциялар, кенгашлар ва митингларнинг қатнашчилари ўзларининг республикага содиқ эканликларини ҳар гал айтиб келдилар.

Яман аҳолиси ўзига совет халқи бераётган беғараз дўстона ёрдам ва маданий айниқса юксак баҳоламоқда. Совет Иттифоқи билан Яман ўртасида вужудга келган дўстона муносабатлар мустаҳкамланиб ва ривожланиб бормоқда. Бинобарин совет кишилари довюрак яман халқининг ўз ватани озодлиги ва фароғати учун олиб бораётган курашини тушуниб, унга зўр ҳайриҳоҳлик билан қарамоқдалар.

А. СТУПАК.
(ТАСС).

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

ФУТБОЛНИНГ БАҲОСИ ОШМОҚДА

Футбол ўйинлари бошланишдан олдин Ғарбий Германиядаги катта клублардан тўққизтаси Кельн, Дортмунд, Штутгарт, Шальке, Франкфурт-на-Майне, Карлсруе, Менхенгладбах, Кайзерслаутерн ва Ганновер шаҳарларидаги стадионларга киришу учун сотиладиган билетларнинг баҳоси ошганлигини маълум қилдилар.

Холбуки, ГФР стадионларига киришу учун сотиладиган билетларнинг баҳоси илгари ҳам анча қиммат эди. Масалан, Мюнхэн стадионидаги трибуналарнинг бир билети 25 марка туради. Бу — малакали бир ишчининг икки чунлик иш ҳақига тўғри келади.

ГФР командаси дунё чемпионатида иккинчи ўринни эгаллагандан кейин, ишқивозларнинг футбол ўйинларига қизиқиши яна зўрайди. «Томошабинлар командамизнинг галабасидан қувонган эдилар, — деб ёзади «Шпорт-депеше» газетаси. — Энди шу қувончнинг жабрини тортмоқдалар».

КАСАЛГА ҚАРШИ... ЧОПИШ

Янги Зеландияда машҳур тренер Артур Линдьярднинг издошлари бобора кўпаймоқда. Линдьярд «ион қуйилиш касалига йўлиқмаслиқ учун чопиш керак» деган эди. Яқинда Янги Зеландияда Линдьярд бошчилигида махсус клуб тузилиб, бу клуб: «чоп, агар яшашни истасанг чоп!» деган шиор остида иш бошлади. Бу клубнинг аъзолари икки группага бўлинган. Биринчи группа шуҳрат қозониш учун, иккинчи группа эса касалликларга чалинмай, узоқ умр кўриш учун енгил атлётика билан шуғулланишмоқда.

Энди Италияда чиқадиган «Газетти делло спорт» газетаси мухбирининг Окленддан юборган қуйидаги хабарини ўқинг:

«Ҳар куни эрталаб ва кечқурун шаҳар нўчаларида, боғ ва ҳиёбонларда югуриб юрган одамларни кўрасиз. Айрим кишилар бир-бирлари билан гаплашиб, кулишиб чопадилар, айримлари қовоқларини солиб югурадилар. Кекса ҳам, ёш ҳам чопяпти. Айниқса кечқурунлари шаҳар стадионига ўхшаб кслади. Яқин келажакда Ер нурраснининг узоқ йўлларида ҳам Янги Зеландиядан чиққан чопқиларни учратиб қолиш ажаб эмас».

РУҲОНИЙНИНГ ДИПЛОМИ

Ғарбий Германия матбуотининг хабар беришича, Эльмар Хапп деган киши имтиҳон топшириб, футбол тренери дипломини олган. Хўш, Клейнвальштадт обшчинасининг руҳонийси Эльмарга бу диплом нима учун керак бўлиб қолди? Руҳоний-ота «иккинчи мутахассислик»ка муҳтожмиди?

«Мен замонавий одамман,— дейди Эльмар Хапп, — дунёда қандай янгиликлар бўлиб тургани, кишиларнинг нимага қизиқишларидан хабардорман. Кишилар ўртасида, айниқса ёшлар ўртасида динга ишонувчилар камая боргани сари ташвишим ортди. Шу сабабли олдинроқ янги касбни ўрганиб қўймоқчи бўлдим.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Ўзбекистоннинг ҳамма районларида ҳавонинг очиқ бўлиши, тоғлик жойларда бир оз ёғингарчилик бўлиши кутилади. Шимолий-ғарб томондан секундига 5-10 метр, Фарғона водийсида эса ғарб томондан секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 12-17, Фарғона водийсида 15, кундузи 20-25, айрим жойларда 28 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб турса ҳам ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 10-12, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Редакция қабулхонаси

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси ҳузурида жамоатчилик асосида ишлайдиган қабулхона ташкил этилди. Қабулхонада навбатчилик қилаётган штатсиз ходимлар, мухбирлар, пост бошлиқлари меҳнаткашлар билан барча масалалар юзасидан қуйидаги кунларда учраша оладилар:

Душанба — Ж. Маҳмудов — штатсиз бўлим мудири.

Сешанба — С. Султонов — ўқитувчи — штатсиз мухбир.

Чоршанба — М. Халилов — штатсиз мухбир, шаҳсий пенсионер.

Пайшанба — М. Султонов — инженер, штатсиз мухбир.

Жума — Э. Эргашев — инженер, штатсиз мухбир.

Қабул вақти кеч соат 6 дан 8 гача.

Адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй. 3-қават. 90-хона. Телефон № В3-86-79, В3-35-53.

Клуж (Румыния)даги «Порцеланук» керамик буюмлар фабрикасида тайёрланган сервизлар, турли буюмлар, вазалар ва деворга осиб қўйиладиган ҳар хил жиҳозлар ҳаридорлар томонидан юксак баҳо ланмоқда. Аджерпресс—ТАСС фотоси.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ўзбек халқ қўшиқлари, 9.30 — Фортепьяно пьесалари, 9.45 — «Октябрь самаралари» (тож.), 10.10 — Сюита, 10.30 — Қардош республикалар халқларининг қўшиқлари, 10.55 — Медицина темасида (суҳбат), 11.25 — Концерт (ёш ижрочилар), 12.15 — Спорт, 12.30 — Шарқ куйлари, 13.30—Рус халқ чолғу оркестри, 16.15 — Музикали эшиттириш, 16.40 — Рус адабиёти классиклари. Н. А. Некрасов. «Волга», 18.30 — Қўшиқлар, 19.20 — Қорақалпоқ куйлари, 20.00 — «Ўзбекистон қурилишларида» (рус.), 20.45 — Илмий-атеистик темада, 21.20 — Концерт (кишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22.00 — Дунё воқеалари, 22.10 — «Зангори кема» капитанлари, 22.40 — Рафур Руломиннинг пьесалари мероси (рус.), 23.20 — Концерт (янги Тошкентни қуравётганлар учун).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Мультфильм** (кичкинтойлар учун), 18.40 — КПСС XXIII съезди қарорлари — амалда. 19.00 — Тошкентнинг кўп қаватли бинолари (ҳужжатли фильм), 19.10 — **Довул** (бадиий фильм).

20.40 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.45 — **Телевизион янгиликлар**, 21.00 — **Бонгдан сўнг.** 21.20 — **Пахта териш машинала рининг унумли ишлашини таъмин этайлик**, 21.40 **Моҳир дуторчилар** (А. Илёсов), 22.10 — **Эргаш Ҳамроев ва Сулаймон Хўжаев** (киноэшиттириш).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Ҳаёт шундай бошланади** (болалар учун), 17.20 — **Тошкент янгиликлари**, 17.30 — **Тронхейм — Гетеборг (ҳужжатли фильм)**, 17.50 — **Салом, дўстлар** (телеочерк).

Ўзбек тилида: 18.10 — **Замондош** (телеочерк), 18.30 — **Бизнинг кўча** (бадиий фильм).

20.00 — **Марказий телестудия кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/IX да **Борис Годунов**, 28/IX да **Семург.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/IX да **Саркомат дилбарим**, 28/IX да **Парвона.**

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА

28, 29, 30 сентябрда

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Концертларда: **Олмахон Ҳайитова, Манзура Мўминова, Дилбар Абдуллаева, Тўхта Рисметова. Камтар Отабоев, Изом Садрмев, Исмоил Боймонов** ва бошқалар қатнашади.

Ўзбек халқ чолғу ансамбли жўр бўлади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СССР Медицина фанлари академиясининг **ЎЗБЕКИСТОН ЎЛКА МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ АСПИРАНТУРАНИНГ**

биохимия, овқатланиш физиологияси, гистология, ҳазм физиологияси ихтисосларига кириш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 21/X гача. Адрес: Тошкент шаҳар, Новогородская кўчаси, 28-уй.

«Ташсантехгазмонтаж» трестининг **«ГОРСАНТЕХГАЗМОНТАЖ» БОШҚАРМАСИ**

сантехнина слесари ихтисосига ўргатиш учун 16 18 ёшдагиларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш жойи — Новокузнецк шаҳрида, ўқиш муддати — 2 ярим ой.

Йўл бепул бўлиб. ётоқ ва стипендия билан таъминланади.

Назарий машғулотларни тамомлаган ўқувчилар ишлаш учун Тошкент шаҳрига юборилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массив, Пионер кўчаси, 3-а уй, кадрлар бўлимя.

Бизнинг адрес ва телефонлар СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283, Партия турмуши — В33469, В37221, Марксизм-ленинизм пропаганда қилиш. халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалиги — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036. В37221. Фан, маитаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В39005. В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251. В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ 220. ИНДЕКС 64543. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р. 13951.